



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 223 (13.036)

Баҳоси эркин нарҳда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 5 ноябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси саноат, савдо ва табиий ресурслар вазирининг биринчи ўринбосари Ли Хван Сопни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Жанубий Корея Ўзбекистоннинг асосий инвестицион ва технологик ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Жанубий Корея бизнесининг фаол иштирокида иқтисодий-технологик турли соҳаларида кўплаб стратегик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сурғил қони негизда яқинда бунёд этилган қиймати қарийб 4 миллиард долларга тенг Устюрт газ-кимё мажмуаси ушбу ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир.

Учрашувда Жанубий Кореянинг нуфузли делегацияси Тошкентда ўтаётган Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиши мамлакатларимиз ўртасида стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва олий даражадаги музокаралар чоғида эришилган келишувларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Сўхбат чоғида жанубий корейлик инвесторларнинг мамлакатимиздаги давлат корхоналари ва активларини хусусийлаштириш жараёнида иштироки, етакчи са-

ноат ва инфратузилма тармоқларида янги инвестиция лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Томонлар Халқаро инвестициявий форум доирасида жанубий корейлик ҳамкорлар билан нефть-газ, кимё, электротехника, машинасозлик ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва инфратузилмавий тармоқлардаги давлат активларини сотиб олиш бўйича умумий қиймати 220 миллион доллардан зиёд 24 битим ва меморандум имзоланишини юксак баҳолади.

Ли Хван Соп Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ва Корея Республикаси Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни, аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш ва мустақамлашга устувор аҳамият берилиши таъкидлади.

(ЎЗА)



УЛКАН ТААССУРОТЛАР, АНИҚ РЕЖАЛАР

Халқаро инвестициявий форум иштирокчилари 5 ноябрь куни Тошкент шаҳри, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларида бўлиб, ҳудудларнинг саноат салоҳияти, инвестиция киритиш тақлиф этилаётган корхоналар фаолияти, хорижлик ишбилармонлар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар билан танишди.



Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти жуда юқори. Мамлакатимиз ялли ички маҳсулотининг қарийб 16 фоизи, саноат маҳсулотларининг 18 фоизи пойтахтимиз ҳиссасига тўғри келади.

Тошкентда машинасозлик, электротехника, кимё ва нефть кимёси, озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқлари изчил ривожланмоқда. Кейинги етти йилда шаҳар иқтисодийётига йўналтирилган 26 триллион 500 миллиард сўмлик, жумладан, 3 миллиард 400 миллион долларлик хорижий инвестициялар бу изчилликка қўшимча суръат бағишлади. Шу даврда саноат корхоналари 3 мингтага қўйиб, маҳсулот ишлаб чиқариш 3 баробар ўсди.

Сўнгги беш йилда пойтахтимиздаги 114 корхона ва объект хусусий мулк шаклига ўтказилгани натижасида уларда меҳнат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди.

Бу жараён изчил давом этмоқда. Халқаро инвестициявий форум доирасида Тошкент шаҳридаги

қатор корхоналарнинг бир қисм акциялари хорижлик инвесторларга тақлиф этилмоқда.

Тошкент трактор заводидаги оптималлаштирилган майдонларида ташкил этилган "Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи" акциядорлик жамияти ана шу йилда корхоналардан бирдир. Бу ерда тракторлар, тиркама ва пахта териш машиналарининг янги моделлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистонда саноат изчил ривожланмоқда, — дейди "Korea Conveyor" компанияси вице-президенти Чанг Йоб Ли (Корея Республикаси). — Машинасозликка ихтисослашган кўплаб корхоналарни қўриб, бунга ишонч ҳосил қилдик. Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводидаги моддий-техник база бизда катта таассурот қолдирди. Завод мутасаддилари билан замонавий конвейер технологияларини ўрнатиш бўйича музокара ўтказдик ва ўзаро аҳдлашувга эришдик.

"Технолог" акциядорлик жамияти махсус ва ностандарт ускуна-

ларни тайёрлаш, корхоналарни технологик жиҳозлашга ихтисослашган кўп тармоқли ташкилотдир. Хорижлик ишбилармонлар бу ерда ҳам бўлиб, корхона акцияларига эга бўлиш, ўзаро ҳамкорликда ишлаш бўйича фикр алмашди.

"Фотон" акциядорлик жамиятида электрон ва маиший техникалар, назорат-касса аппаратлари, радиоэлектроника буюмлари ишлаб чиқарилади. Жорий йилнинг 9 ойида корхонада 15,3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 1,8 миллион долларлик товар экспорт қилинган.

Ўзбекистонда чет эллик инвесторлар учун кенг имтиёзлар яратилган, — дейди "Soehne Industrial Solutions GmbH" компанияси ижрочи директори Михаэл Шлегер (Германия). — Компаниямиз ихтисослашган соҳа — электрон техника маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатига маблаг йўналтирмоқчи. "Фотон" заводи мисолида кўрдики, мамлакатимизда бу борада катта илмий-техникавий салоҳият бор. Бу ерда тайёрланаётган электрон тарозилар бизга жуда ёқди. Корхона билан ҳамкорликда мазкур ихтисосликни янада кенгайтириб, кичик тарозилардан тортиб тонналарни ўлчайдиган катта тарозиларга ҳам ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича келишувга эришдик.

Хорижлик инвестор ва ишбилармонлар пойтахтимиздаги "Оникс", "Ўзнефтьгазқурилиш-вест", "Тошкент ёғ-мой комбина-ти", "Сувсаноатмаш", "Ўзгагро-сурта" акциядорлик жамиятлари, "Алоқабанк", "Туронбанк"да ҳам бўлиб, учрашув ва музокаралар ўтказди.

(Давоми 2-бетда)

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА, КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

"Ўзэкспомарказ"да IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси яқунланди.



Унда мамлакатимиздан иштирок этган 2 мингга яқин корхона ва компаниянинг мингдан ортиги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналаридир. Улар 20 мингдан зиёд турдаги маҳсулотларни намойиш қилди.

Ўзбекистон саноатчиларининг аънавий форуми Президентимиз Ислам Каримов томонидан муҳим тармоқларни таркибий ўзгатириш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ишларини изчил давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, айниқса, қишлоқ жойларда жадал ривожлантириш, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, диверсификация қилинган ва рақобатбардор иқтисодий шакллантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида ўтказиб келинмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Иқтисодиёт

ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯХШИЛАШДА БАНКЛАРНИНГ ЎРНИ

Тошкент молия институтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон банклари ассоциацияси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда банк тизимининг роли" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида банк тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 6 майдаги "Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурсларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ва шу йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлида-

ги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони банк тизимида хорижий инвесторлар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказий банк томонидан тадбиркорлик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш жараёнини тартибга солишни тегишли меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилиб, мунтазам равишда такомиллаштириб боришмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасидаги

кенг қўламли ишлар самарасида сўнгги беш йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 4,4 баробар, микрокредитлар ҳажми 5 баробар ошди. Жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар ошди, 9 триллион 642 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 2 триллион 70 миллиард сўми микрокредитлардир.

Кредит маблағлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳисобига рақобатбардор ва экспортбон тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, юқори технологик ва инновация лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди. Бунинг самарасида саноат ишлаб чиқариши, экспорт ва аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнеснинг улуши муттасил ўсиши таъминланмоқда.

Анжуманда молия-банк институтларининг ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилашдаги иштирокини янада фаоллаштириш, тадбиркорлик фаолиятининг қонунийлик асосларини такомиллаштириш, янги молиявий механизмларни жорий қилиш борасидаги замонавий тенденциялар ва илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда тақлиф ва тасвиялар билдирилди.

Даврон СУННАТОВ,
ЎЗА мухбири



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Наманганда Президентимизнинг жорий йил 7 июлдаги Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори асосида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида "Қамолот" кутубхонаси фойдаланишга топширилди. "Қамолот" кутубхонасида 4 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. 450 номдаги 8 мингдан зиёд китоб фондида эга кутубхонада фанларга оид кўргазмалар қурулган тайёрлаш, буюмларга расм чизиш, турли баннерлар ишлаш, фото хизмати кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

● Бухоро вилояти кўптармоқли тиббиёт марказида мамлакатимиз ва Жанубий корейлик шифокорлар бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Жанубий Кореянинг "Hyundai Engineering" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган тиббий кўрикдан кўзланган мақсад болалар саломатлигини мустақамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир.

● Андижонда ёш маком ижрочилари республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловда кўрикнинг туман ва шаҳар босқичларида голибликни қўлга киритган 38 нафар ёш хонанда ва созанда ўз маҳоратини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Октябрь ойи охирида Дортмунд шаҳрида очилган Германия футбол музейига ташриф буюрувчилар сони тобора ортиб бормоқда. 7700 квадрат метрни эгаллаган бинода 1500 экспонат жой олган ва музейнинг қурилиши учун 36 млн. евро сарфланган. Бу ердаги экспонатлар орасида ЖЧ-1954 финалида ўйналган ҳақиқий тўп, узок йиллар Германия терма жамоасини бошқарган Хелмут Шённинг қалпоғи ва ЖЧ-2014 Кубоги кўпчилигининг диққат-марказида бўлиб турибди.

● Кеча Бразилиянинг Риу-Гранди-ду-Сул штатида жойлашган Мостардас шаҳрида ғайритабиий ҳодиса рўй берди. Яъни, бир ярим ёшли болакай ўзига яқинлашган жуда хавфли Жарарака захарли илонни чайнаб ташлаган ҳолда ўзи умуман жабрланмади.

● Германиянинг Бавария федерал еридаги поездининг ўтиш жойида юк машинасининг йўловчи поезд билан тўқнашиб кетиши натижасида ёнғин чиқди ва 20 дан ортиқ йўловчи жабрланди. Сўнгги маълумотларга қараганда, йўловчиларнинг икки нафари ҳалок бўлган.



Самарқанд вилоятида шу йилнинг 9 ойида иқтисодийга жалб этилган инвестициялар ҳажми 2 триллион 52 миллиард сўми ташкил этди. Саноат салохиятини ривожлантириш дастури доирасида 297 лойиҳа амалга оширилди. Жорий йил охирига қадар 538 миллиард сўмга тенг инвестиция эвазига 120 янги ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этиш режалаштирилган.

Бугунги кунда вилоятда хорижий инвестиция иштирокида 351 корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида вилоят иқтисодиётига 29,9 миллион доллар микдорида хорижий инвестиция киритилди. Бунинг натижасида 16 янги корхона ташкил этилди.

Халқаро форум иштирокчилари "Самарқанд-кимё", "Сино", "Охалик Ломанн Парранда" ва "Самарқанд винокомбинати" акциядорлик жамиятларида бўлиб, мазкур саноат корхоналари фаолияти ва ишлаб чиқариш жараёни, маҳсулот сифатини юксалтириш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар билан танишди.

Ўзбекистонда барча соҳалар қатори ёқилғи-энергетика тармоғи жадал ривожланмоқда, — дейди "Acciona Infrastructure" компаниясининг Шаркий Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича директори Хуан Хосе Фернандес (Испания). — Бу йўналишда мамлакатнинг билан ҳамкорлик улкан самара беради. Шу мақсадда биз "Ўзбекэнерго" акциядорлик компанияси билан музокаралар ўтказдик. Нефть-газ, ёқилғи-энергетика корхоналари учун ускуналар ўрнатиш бўйича ҳамкорлик қилишни режалаштирмоқдамиз.

Ўзбекистон улкан сармоявий салоҳиятга эга мамлакат, — дейди "Innosperita Services and Consultants" компанияси директори Дипак Нарейн (Ҳиндистон). —

Бу ерга инвестиция киритган ютқазмайди. Компаниямиз мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларини чет элга, хусусан, Ҳиндистонга экспорт қилиш лойиҳасида фаол қатнашиш истагиди. Келгусида бу соҳага сармоя киритиб, тўқимачилик корхонаси ташкил этиш ниятидамиз.

Форум иштирокчилари Самарқанддаги қадимий обидаларни томоша қилди. Замоनावий иншоотлар, сўлим боғлар, кенг ва раво йўллар, бир сўз билан айтганда, қадим Самарқанднинг замонавий қиёфаси меҳмонларда ҳайрат ва ҳавас уйғотди.

Бой табиий ресурслар ва йирик саноат корхоналарига эга **Навоий вилояти** мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. Вилоятда хорижий инвес-

Акциядорлик жамиятининг 86,92 фоиз акцияси давлат улуши ҳисобланиб, қимматли қозғаларнинг 35,9 фоизи хорижий инвесторларга инвестиция киритиш шарти билан тақдир этилмоқда.

Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасини "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти мисолида ҳам кўрдик, — дейди "Heidelberg Cement AG" компанияси бош ижрочи директори Андреас Керн (Германия). — Улкан иқтисодий салоҳиятга эга мазкур корхонанинг акциялар пакетини харид қилишни режалаштирмоқдамиз. Халқаро инвестициявий форум доирасида "Қизилқумцемент" акциядорлик жамияти билан ўзаро англашув меморандумини имзолаймиз.

технологик янгилаш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Бухоро вилоятида "Ўзбекнефтьгаз" миллий холдинг компанияси таркибига кирувчи "Ўзпаркурилиш", "Бухоро таъмирлаш-механика заводи", "Бухоронетгазавтонақл" акциядорлик жамиятларининг 51 фоиздан, "Ўзбекнефтьгазхукуктаъмирлаш" акциядорлик жамиятининг 31,3 фоиз, "Бухорогазсаноатқурилиш" акциядорлик жамиятининг 14,5 фоиз микдоридagi акциялари хорижлик сармоядорларга тақдир этилмоқда.

Халқаро инвестициявий форум иштирокчилари мазкур корхоналар, "Когон ёғ-экстракция заводи", "Когонпарранда" акциядорлик жамиятлари фаолияти билан ҳам танишди.

Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва инвестиция имкониятлари диққатга сазовор, — дейди "МЕТКА" компаниясининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия бўйича директори Себастьян Лагидитис (Греция). — Бухоро вилоятига ташрифимиз чоғида мамлакатингиз иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўзбекистонда бизнес юритиш учун қўллаб-имконият ва имтиёзлар яратилган. Буларнинг барчаси инвестиция киритиш орқали муваффақиятга эришишнинг асоси ҳисобланади.

Бухоро вилояти нафақат тарихий мероси, балки йирик саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги салоҳияти билан ҳам мени ҳайратга солди, — дейди "Harim Group" компанияси бошқарувчи директори Жунг Мун Сунг (Корея Республикаси). — Айниқса, "Бухоро парранда" фабрикаси фаолияти катта қизиқиш уйғотди. Бу ерда товуклар саноат асосида парвартиш қилиниб, юқори сифатли маҳсулот олинмоқда. Шунингдек, фабрикада турли қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштирилиб, паррандалар учун фойдали озуқалар тайёрланмоқда. Мазкур паррандачилик фабрикаси акциялари инвестиция сарфлаш учун фойдали тақдирланди.

Меҳмонлар Бухоронинг дунёга машҳур тарихий-меъморий ёдгорликларини, истиқлол йилларида бунёд этилган замонавий иншоотларни томоша қилди.

(ЎЗА)

УЛКАН ТААССУРОТЛАР, АНИҚ РЕЖАЛАР



ЎЗА олган суратлар

тиция иштирокида тузилган 55 корхона фаолият кўрсатмоқда.

Форум иштирокчилари вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш объектларидан бири — "Қизилқумцемент" акциядорлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти, инвесторлар учун яратилган имкониятлар билан танишди.

Корхона йилига 3 миллион тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган цементнинг 42,8 фоизи мазкур корхона ҳиссасига тўғри келди.

Халқаро сифат сертификатига эга корхона маҳсулотлари қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулотлар тури ва сифатини янада ошириш мақсадида корхонада умумий суммаси 78 миллиард 700 миллион сўмлик 9 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби **Бухоро вилояти** ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида ялли ҳудудий маҳсулот 7,1 фоиз, жумладан, саноат ишлаб чиқариши 8,6 фоиз ошди.

Вилоятда Хитой, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия ва бошқа мамлакатлар сармоядорлари билан ҳамкорликда тузилган 64 қўшма корхона, шунингдек, "ДЭУ текстайл Бухоро", "Кнауф гипс Бухара" каби ўндан зиёд хорижий корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Улар ички бозорни бойитиш билан бирга вилоят экспорт салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшаётди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хусусийлаштириш жараёни чўқурлаштириш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, саноат тармоқларини

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА, КООПЕРАЦИЯ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхона ва ташкилотлар стандартида айни пайтда четдан олиб келинаётган товарлар, маҳаллий ҳомашёдан фойдаланиш, саноатнинг етакчи тармоқларини техник ва технологик янгилаш ҳамда кооперация алоқаларини кенгайтириш асосида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар тақдим этилди. Масалан, "Тошхартрансхизмат" акциядорлик компаниясининг "Тошавтобус-транс" акциядорлик компанияси, "Mercedes-Benz" сервис хизмати кўрсатиш шўба корхонаси, "Тошэлектротранс" давлат компанияси, "Тошкент метрополитени" давлат унитар корхонаси, "Трансснаб", "AMORANT" масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа корхоналари 150 дан ортиқ турдаги эҳтиёт қисм ва материаллар, автобусларни таъмирлаш учун махсус ускуналар, ишлаб чиқарилаётган эҳтиёт қисмлар каталоги, йўловчиларни ташвиш, турли тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаш, ойлик йўл чипталарини сотиш, пойтахтимизда йўловчи ташвиш транспорт харақатини диспетчерлик бошқаруви бўйича кўрсатилган хизматлар ҳамда бошқа кенг имкониятларни намойиш қилди.

"Тошхартрансхизмат" акциядорлик компанияси вакиллари айтишича, саноат форумида иштирок этиш турдош тармоқлар корхоналари билан самарали ҳамкорлик қилиш учун кенг имконият яратди. Масалан, тармоқ саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида компания корхоналари томонидан қийматли 181 миллиард сўмдан зиёд 24 шартнома имзоланди. Уларнинг асосий қисми компаниянинг "Тошавтобус-хизмат" унитар корхонаси ва бошқа корхоналари улушига тўғри келади.

Мамлакатимизнинг қўллаб-муҳим инфратузилма объектлари учун юк ташувчи ва махсус техника ишлаб чиқараётган "JV MAN Auto-Uzbekistan" Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси ҳам Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида фаол иштирок этди. Илгари бундай техника асосан хориждан сотиб олинган бўлса, энди уларнинг катта қисми Самарқанддаги "MAN" заводида ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, заводда Ўзбекистон фуқаро авиациясининг самарали фаолият кўрсатиши учун ёқилғи қўйишга мўлжалланган ва бошқа махсус техникалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Саноат форуми иштирокчилари 2011 йилда Самарқандда барпо этилган "UzAuto Trailer" заводи фаолияти билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлди. Мазкур корхона фаолиятининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда оғир юк кўтарадиган "MAN" машиналарини ишлаб чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш комплексини ташкил этишда асосий босқич бўлди. Корхонанинг асосий вазифаси осма ва тиркама техника — кузовлар ва ярим тиркама, контейнер ва автомобиль ташигичлар, тенгли ярим тиркама ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришдир. Завод лойиҳа бўйича 2 мингта ярим тиркама ва мингта осма техника ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, турли тармоқлар учун кенг турдаги автомобиль техникаси, жумладан, самосвал кузовлар, ярим тиркамалар, контейнер ташигичлар, тенгли, изотермик ярим тиркамалар ва фуоронлар ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида кичик корхоналар салоҳияти ҳам кенг тақдим этилди. Амалиёт шундан далолат

берадики, мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллаётган кичик бизнес энг харадорлиг ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш борасида юқори кўрсаткичларга эришиш имкониятига эга.

Мисол учун, Самарқанддаги "Мароканд-MCM" илмий-ишлаб чиқариш корхонаси нефть-газ саноати ва коммунал ҳўжалигига ўз маҳсулотларини тақдир этмоқда. Корхонада Маҳаллийлаштириш дастури доирасида газнинг сирқиб чиқишини аниқлайдиган сигнализаторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида нефтни қайта ишлайдиган йирик корхоналарга ушбу маҳсулотни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.

"Uzsalaman" қўшма корхонаси IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси аяқулар бўйича "Шуртаннефтьгаз", "Фаргонаазот", "Максам Чирчик" каби корхоналарга махсус пойабзал етказиб бериш бўйича шартномалар тузди.

"Uzsalaman" қўшма корхонаси вакиллари таъкидлашча, "Максам Чирчик" акциядорлик жамияти корхонанинг доимий ҳамкоридир. Ушбу корхона билан ҳар йили қиймати 600 миллион сўмлик шартномалар тузилади. Жорий йилда мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги ходимлари учун 40 мингта қишқи пойабзал етказиб бериш бўйича шартнома тузилди. Бу галги тадбирлар доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан қийматли 2 миллиард сўмлик табиий ҳомашё сотиб олиш тўғрисида келишувларга эришилди. Бу корхонанинг кооперация алоқалари мустаҳкамланиб, тобора кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Форум доирасида тармоқ ва корхоналарнинг 70 марказлаштирилган тақдирот маросимларида уларнинг техник ҳамда технологик имкониятлари намойиш этилди. Айниқса, ҳар бир вилоят тақдироти иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур тадбирлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида янги муносабатлар ўрнатиш ва мавжудларини кенгайтириш имконини берди. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган материаллар, бутловчи ва тайёр буюмлар етказиб бериш ёки харид қилиш учун шартномалар имзоланди. Мамлакатимиз корхоналари буюмлар, ишлов берилган ҳомашё ва материалларни қўшмама савдо тендерлари ўтказмасдан, тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиб олиш имкониятига эга бўлди.

Мамлакатимиз вазирлик ва идоралари, Божхона ва Солиқ қўмиталари, банклар, суғурта компаниялари ва бошқа ташкилотлар мутахассислари Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иштирокчиларига "онлайн" маслаҳат хизмати кўрсатди. Тадбирлар иштирокчилари, ўз навбатида, турдош ишлаб чиқариш корхоналарининг эҳтиёжини баҳолаш ва шу асосда маҳсулот етказиб бериш, жумладан, экспортга етказиб бериш бўйича буюмлар портфелини шакллантириш имконига эга бўлди.

Муктабар айтганда, IX Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси аяқулар, ҳудудий ва тармоқлар саноат ярмаркалари натижалари мамлакатимиз корхоналарининг кооперация алоқалари йилдан йилга кенгайиб, янги мазмун-моҳият касб этаётганидан далолат беради.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бугунги кунда банк тизими олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб, бу борада Тошкент шаҳрида салмоқли ишлар олиб борилаётган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тизимда доимий равишда кичик бизнес субъектларини, айниқса оилавий тадбиркорлик, аёللар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битираётган ёшларнинг бизнес режаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратиб келинаётди.

Тошкент шаҳридаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга, авваломбор, уларнинг бизнес лойиҳаларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга катта аҳамият берилди. Мисол учун, 2015 йилнинг 7 ойи давомида тижорат банклари томонидан тадбиркорларга 2.563,9 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратилган, ушбу 30 фоизи ташкил этди. Мазкур ресурсларнинг 203,8 миллиард сўмини мижозларга ажратилган микрокредитлар ташкил этди.

Бугунги кунда долзарб бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш орқали уларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш йўли билан бандлигини ошириш мақсадида 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 баробар ортиқ, яъни 23,3 миллиард сўм микдорида имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилди. Озиқ-овқат ва озиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш учун тадбиркорларга жами 896 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 1,3 фоизга ортиган. Шунингдек, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш банклари эътиборида бўлиб, шу йилнинг 7 ойи давомида тижорат банклари томонидан аёللар тадбиркорлиги учун 290,7 миллиард сўм микдорида кредит маблағлари ажратилган.

Банкимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаш учун ўтган 9 ой давомида 82 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилди, — дейди "Давр банк" банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А.Шерматов. — Бунинг натижасида қарийб 400 та қўшимча иш ўрни яратилди. Аёللар тадбиркорлиги учун 8 миллиард сўм, коллеж битирувчиларининг бизнес режаларини қўллаб-қувватлашга 1,4 миллиард сўм микдорида кредит берилди. Бу эса ўз навбатида банкимизнинг кенг кўламли тадбирларда қатнашиб, касб-ҳунар коллежларини битирган ўғил ва қизларимизни ўз бизнесини бошлаш ва уни ривожлантириб, тадбиркорлик субъекти сифатида фаолият юритишга замин яратмоқда.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг бизнес режаларини фаол молиялаштириш билан мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросига, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил қилишга муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

З.ШАРИФЖОНОВ

КИЧИК БИЗНЕС УЛУШИ ОРТМОҚДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси товар-ҳомашё биржасининг жорий йил тўққиз ойлик фаолияти аяқуларига ҳамда биржа савдоларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иштирокига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Мамлакатимизда биржа савдоларининг очик-ошкоралиги, нархларнинг эркин шаклланиши ва иштирокчилар тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, шартномалар бажарилишини кафолатлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар товар ва ҳомашё ресурсларини эркин сотиб олиш бораборида замонавий биржа технологияларидан фойдаланган ҳолда маҳсулотларини маҳаллий ва хорижий бозорларга чиқаришга муваффақ бўлмоқда.

Ҳисобот даврида биржанинг барча савдо платформаларида 5,1 триллион сўмдан зиёд битимлар тузилди. Мамлакатимизда ишлаб чиқариш қувватларининг ошиши натижасида цемент нархи 18 фоизга, суялтирилган газ 17 фоизга, қора металл 8 фоизга арзонлашиб, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантирувчи омили сифатида қайд этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 3,3 триллион сўмлик ҳомашё ва материаллар сотиб олинди, ушбу 6,5 фоизини ташкил этди. Битимларнинг 95 фоизи биржа савдоларига тўғри келди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни биржа орқали сотиш ҳажми 18 фоизга ўсиб, 1,4 триллион сўмга етди. Биржада тузилган битимларнинг умумий ҳажмида тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектларининг ҳиссаси ўтган йилнинг тўққиз ойида 66 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 8 фоизга қўтарилигани кузатилади.

Ҳисоб-китоб клиринг палатаси томонидан савдо битимлари ижросини кафолатлаш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида иштирокчилар ўртасида тузилган 193 минг шартноманинг 96 фоизи бажарилиди. Арбитраж комиссияси томонидан кўриб чиқилган мунозарали ишлар 8 фоиз, битимларни бекор қилиш 28 фоиз, жарималар қўлланилиши 3 фоизга қисқарди.

Палата томонидан рўйхатда олинган 5 мингта яқин янги мижознинг 95 фоизини кичик бизнес субъектлари ташкил этди.

Биржа платформасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш юзасидан доимий иш олиб борилаётган, — дейди ЎЗА мухбирига Ҳисоб-китоб клиринг палатаси бош мутахассиси Жалолиддин Қўшназаров. — Жумладан, махсус веб-сайтини очилиши тадбиркорлик субъектларига қўшимча имконият яратмоқда. "Мижоз шахсий кабинети" интерактив хизматидан фойдаланувчилар сони икки бараварга ошиб, 14,5 мингга етди.

Матбуот анжуманида электрон имзони қўллашни амалга татбиқ этиш, интерактив хизматлар қўлланини янада кенгайтириш ва Ҳисоб-китоб клиринг палатаси фаолиятини автоматлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар истиқболдаги устувор вазифалар сифатида қайд этилди. Журналистларнинг савдоларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Б.БОЗОРОВ

Юртимиз кундан кунга чирой очиб, юксалиш ва ривожланиш сари одимлаб бормоқда. Бу шаҳару қишлоқларимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида ўз аксини топаётди. Бири-бири, ан чиройли ва кўркем қилиб қурилаётган иншоотлар ҳудудлар кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ана шундай замонавий бинолар ва аҳоли яшаш жойлари хавфсизлиги, хусусан, ёнган хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда туб ислохотлар амалга оширилаётди. Ёнган хавфсизлигини таъминлаш қисмлари замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, "тилсиз ёв"нинг олдини олиш ва уни бартараф этишга қаратилган турли изланишлар олиб борилаётган. Қилинаётган ишлар самараси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида содир бўлган ёнганлар сонининг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,1 фоизга камайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнган хавфсизлиги олий техник мактабида "Ёнган хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб муаммолари" мавзусида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ҳам шулар хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия, Молия вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, йирик корхона ва ташкилотлар, соҳавий хизмат ходимлари, тегишли олий таълим муассасалари вакиллари иштирок этган тадбирда ёнган хавфсизлиги соҳасига қаратилаётган эътибор ва яратилаётган шарт-шароитлар, бунинг натижасида эришилаётган ютуқлар, шунингдек, соҳадаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ҳақида сўз борди.

Мамлакатимизда ёнган хавфсизлигини таъминлаш, унинг олдини олиш ҳамда бу соҳада малакали кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилган, — дейди Ёнган хавфсизлиги олий техник мактабининг "Қурилишда ёнган хавфсизлиги" кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант Артём Литяга. — Ҳар йили ёнган хавфсизлиги ойлиги ўтказилиб, олий давомида хавфсизлигини таъминлашга қаратилган турли тарғибот тадбирлари ташкил этилади. Бугунги анжуман ҳам айнан шу йўналишда бўлиб, унинг аҳамиятли томони шундаки, соҳа ходимларининг тажриба алмашиши ва янгиланган хабардор бўлишига хизмат қилади.

Конференцияда иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва аҳоли турар жойларида ёнган хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишда давлат ёнган назоратининг ўрни, ёнганга қарши суғурталаниш бугунги кундаги талаблари, шунингдек, ёнган хавфсизлигини таъминлаш соҳасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг ўрни ва уларнинг долзарблиги хусусидаги маърузалар тингланди.

Абдуалим САЛИМОВ

Фармон ва ижро

ПЕДАГОГЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Пойтахтимизда олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари Б.Усмонов, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази директори О.Хасанов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янги поғонага кўтариш, малакали кадрлар тайёрлашнинг замонавий механизминини яратиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

“Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури малакали кадрлар тайёрлашнинг янги, бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган самарали моделини яратишга муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатлар асосида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишга катта эътибор қаратилиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртли педагогик жамоаси юксалишига хизмат қилувчи малака ошириш механизминини ислоҳ этишга пухта замин яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишлар-

ни янада такомиллаштиришда муҳим дастуруламал бўлаётди.

Мазкур фармонга мувофиқ олий ўқув юртли раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш бўйича ўн бешта таянч олий ўқув юрти, тўртта минтақавий ҳамда бош илмий-методик марказларда аттестация комиссиялари таркиби шакллантирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида дарс берадиган 855 профессор-ўқитувчилар таркиби тузилди. Таянч олий таълим муассасалари ўқув жараёнига профессор-ўқитувчилар жалб этилди. Таълим тизимидagi замонавий услублар, ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва қўллаш мақсадида АҚШ, Жанубий Корея ва Буюк Британиядан мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш режалаштирилди.

Олий ўқув юртли педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш каби яна бир қатор замонавий талаблар қўйилаётгани соҳа мутахассисларининг бугунги даврга ҳамнафас бўлишларини тақозо этади.

Тадбир якунида иштирокчиларнинг саволларига мутахассислар жавоб қайтарди.

Ш.МАМАТУРОВА,
ЎЗА муҳбири

Юнусобод тумани Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилоти ходимлари касабга уюшма кенгаши томонидан Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғиботи маркази туман бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлини маси билан ҳамкорликда “Саида-Барока” хусусий корхонасида “Диний ахлоқий қадриятларни шакллантиришда миллий мафкуранинг ўрни” ҳамда “Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш муқаддас бурчимиздир” деб номланган маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Тадбирда сўз олган Маънавият тарғибот маркази туман бўлими раҳбари Нигора Абдураҳимова, Юнусобод тумани ИТИЧС ва ХКТХ касабга уюшмаси кенгаши раиси Камолиддин Худайбердиев, “Саида-Барока” хусусий корхонаси касабга уюшма кўмитаси раиси Жамила Мирзаахмедова ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан диний ва миллий қадриятларимиз тикланганлиги, йилдан йилга давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти ошиб бораётгани, ёшлар учун шарт-шароитлар яратилгани, бугунги кунда дунёда

содир бўлаётган мудҳиш воқеалар ва террорчилик ҳаракатларидан тегишли хулоса чиқариб, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқойишталик учун шукроналик билдириш лозимлигини таъкидлаб ўтишди.

Тадбир иштирокчилари томонидан Ўзбекистон эришяётган ютуқ ва марралар дунё ҳам-жамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани, мустақиллигимизни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш муқаддас бурчимиз эканлиги алоҳида таъкидланди.

Зарина РУСТАМОВА



“Ораста қизлар давраси” кўрик-танлови ғолиблари

Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ОАВнинг роли” мавзuida семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Гаффар Алимов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом, интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этишди.

Зеро, мустақиллигимизнинг илк йилида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларни жисмонан бақувват, маънан соғлом этиб тарбиялашга қаратилган муҳим фаолият йўналишларини белгилаш билан бирга уларнинг қонуний асосларини ҳам мустаҳкамлади.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ёшларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим жиҳатларга оид устувор вазифаларни яна бир бор белгилаб берди. Ушбу қарорга қўра, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларда мустақил фикрлаш, кенг дунёқараш ва мафқуравий ҳуруқларга қарши иммунитетни шакллантириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш қўникмаларини ишлаб чиқиш ва бир қатор устувор вазифалар

замон талабларидан келиб чиққан ҳолда йўналишга оид ислохотларнинг муҳим жиҳатлари белгилаб олинди.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2014 йилда 6 миллион 500 минг нафар

Семинар давомида “2015 йилда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни бажаришда олиб борилаётган ишлар”, “Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш”, “Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида”, “Баркамол авлодни тарбиялашда ОАВ ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш”, “ОАВда ёшларга оид мавзуларни ёритишдаги мазмун жиҳатидан учраётган камчиликлар мониторинги натижалари”, “Ёшларни ахборотдан таъсирланиши ва уларга керакли ахборотни етказишда янги методлардан фойдаланиш” мавзуларида маърузалар тингланди.

Тадбирда экспертлар томонидан марказий ҳамда ҳудудлардаги баъзи наشرларда ёшлар аудиторияси учун тайёрланган материаллар мазмунини ўқитишда учраётган хатолар бўйича мониторинг натижалари эълон қилинди. Шунингдек, мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан ечимлар тақлиф этиш билан биргаликда ёшларнинг катта аудиторияси учун тахлилий материалларни қандай етказиш мумкин деган саволларга ҳам соҳа мутахассислари билан бир қаторда медиа соҳасида фаолият олиб бораётган ёшлар фикр-мулоҳазалари ва ўз тақлифларини билдириб ўтишди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган савол ва муаммолар бўйича батафсил маълумотга эга бўлдилар. Семинар якунида мавзуга оид тегишли хулоса ва тақлифлар ишлаб чиқилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Семинарлар

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОАВНИНГ РОЛИ

мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари, мактаблар, касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари чуқурлаштирилган тебиий кўридан ўтказилди. Жорий йилнинг ўтган даврида республикада 133 та тебиёт муассасаси қайта қурилди ва реконструкция қилинди.

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом ва бақувват тарбиялашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. 2014 йилнинг ўзида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш ҳамжармаси маблаглари ҳисобидан 18 та намунавий спорт мактаби, 73 та мактаб спорт заллари барпо этилди. Бугунги кунда 2 миллион нафарга яқин ёшлар, шу жумладан, 840 минг нафардан ортиқ қиз болалар спортнинг 30 дан зиёд тури билан шуғулланиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги “Баркамол авлод” болалар марказининг тасвирий санъат тўғраги аъзоси Жаҳоҳир Сотволдиев табиат манзараларини чизишга қизикди. Ёш ҳаваскор “Камалак” юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичида расмлар танлови бўйича энг юқори балл тўллаб, шаҳар босқичига йўлланма олди.

— Атроф-муҳитни тасвирлаётганда табиатга муносабатини ифода этириш асосий мақсадим, — дейди Жаҳоҳир. — Пейзаждан ташқари портрет, натюрморт каби жанрларда расм чизишга қизиқаман. Келгусида тасвирий санъатга ихтисослашган касб-хунар коллежиди, сўнгра Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида тахсил олиш ниятидаман.

Болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, касб тайёрлаганининг дастлабки қўникмаларини сингдириш ва техник ижодкорлиқни ривожлантиришда “Баркамол авлод” марказларининг аҳамияти беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги “Мақтабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудлариди ана шундай марказлар ташкил қилинган. Бектемир туманидаги “Баркамол авлод” болалар маркази пойтахтимиздаги муваффақиятли фаолият кўрсатаётган масканлардан бири.

— Бу ерда у юзга яқин бола шуғулланади, — дейди марказ директорининг ўринбосари Нилу-

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ФОЙДАЛИ ТўГАРАКЛАР

фар Тошматова. — Марказда техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича ўн еттига тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, “Ёш сайёҳ”, “Ёш журналист ва нотиклик санъати”, тасвирий санъат тўғарақлари болаларда катта қизиқиш уйғотаётди.

— Мунчоқли безак маданий меросимизнинг бир қисмидир, — дейди ЎЗА муҳбирига тўғарақ раҳбари Наргиза Пўлатова. — Машгулотларда ўқувчиларга анъанавий миллий нақшларни ўргатамиз. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчи ўзи мустақил равишда безаклар тиқилиш ва олган назарий билимини мустақамлаш лозим. Натижада қизлар дўппини анъанавий тасвирлар ва замонавий дизайн элементларини уйғунлаштирган ўзига хос нақшлар билан безаниш ўзлаштири.

Марказнинг тажрибали педагогларидан сабоқ олаётган ўқувчилар турли танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Мисол учун, 2014

йили “Дивас” жаҳон халқлари рақси гуруҳи Болгарияда ўтказилган халқроқ болалар рақс фестивалида иккинчи ўринни эгаллаган. Шунингдек, “Ягонасан, муқаддас Ватан!” кўрик-танлови, “Санъат мактаби” болалар фестивалининг шаҳар босқичида марказ тарбияланувчилари совринли ўринларни қўлга киритган.

Тасвирий санъат тўғарагида қуйи синфлар учун “майда пластика” ўқув дастури асосида буюм ясаш ўргатилади. Унда тасаввур олами шаклланаётган болалар лой ва эластик қомашёлардан турли буюмлар, ҳайвонлар шакллари, эртак қаҳрамонларини ясаш билан шуғулланади.

Марказда чет тилларни ўргатиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Болаларга инглиз ва немис тиллари янги педагогик усуллар орқали ўргатишмоқда. Ёшларга билим беришда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва турли интерфасол ўйинлардан самарали фойдаланишмоқда.

Нурилло НАСРИЕВ

“Камолот” лойиҳалари

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Йигит-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани қувонарлидир. Уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

“Камолот” ЕИХ Миробод туман Кенгаши “Ёш тадбиркор” консултиватив маркази томонидан тадбиркорликка қизиқиши бор ҳамда жорий йилда коллежни тамомлаб тадбиркорлик фаолиятини бошлаган ёшларни жалб қилган ҳолда “Бизнес саёҳат” лойиҳаси ташкил этилди. Тадбир касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицей битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларда тадбиркорлик қўникмаларини шакллантириш, яқо тартибдаги меҳнат фаолияти ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантириш, давлатимиз томонидан ёшларга ушбу соҳада яратилаётган кенг имкониятлар билан таништириш мақсадида ўтказилди.

Лойиҳа доирасида Тошкент политехника ҳамда Миробод енгил саноат касб-хунар коллежларидан 40 нафар битирувчилар ҳамда 20 нафар ёш тадбиркорларнинг “Технопарк” МЧЖ корхонасига ташрифи уюштирилди. Ташрифта ёшларимиз “Контек-Ташкент” корхонаси фаолияти билан яқиндан танишишди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди “Камолот” ЕИХ Миробод туман Кенгаши “Ёш тадбиркор” консултиватив маркази координатори Гулноза Қўчқорова. — Ёшлар ўртасида тадбиркорлиқни оммалаштириш ва уларда ишбилармонлик қўникмаларини шакллантириш, касб-хунар коллежлари ва академик лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламадаги ишларда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам бевосита ҳиссаси бор.

Иштирокчилар бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишишди. Шунингдек, “Технопарк” МЧЖ раҳбари билан учрашув ташкил қилинди. Тадбир давомида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказиб келинаётган “Менинг бизнес ғояи” ва “Ёш тадбиркор — юртга маддодкор” лойиҳаларининг тарғиботи юзасидан фикр аламлиди. Тадбиркорликка қизиққан ёшлар ўзларининг барча саволларига жавоблар олишди.

(ЎЗ муҳбиримиз)

ИҚТИДОРЛИЛАР САРАЛАНДИ

Олмасор туманида жойлашган 249-мактабда туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидagi умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар ўртасида ўтказилган “Энг яхши иншо” ва “Энг ижодкор ўқувчи”, ўқитувчилар ўртасида уюштирилган “Таълим сифатини оширишда инновацион педтехнологияларнинг ўрни” мавзусидаги “Энг яхши методик тавсиялар”, “Энг яхши дарс ишланмаси”, “Энг яхши тадбир ишланмаси” ҳамда “Энг яхши кўргазмали кўрол” кўрик-танловларининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ижодий ишларини академик лицей ва касб-хунар коллежларининг малакали она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчилари баҳолаб боришди. “Энг яхши иншо” кўрик-танловида тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг 32 нафар иқтидорли ўқувчилари иштирок этиб, “Тил миллат кўзгуси” мавзусида эркин иншо ёзишди.

Натижаларга қўра “Энг яхши иншо” кўрик-танловининг туман босқичида 196-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Раҳима Раҳимқўжаева 1-ўринга муносиб деб топилди.

— Мен умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган иншолар танловида илк мартаба ҳақамлик қилдим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С. Сирожиiddинов номи академик лицейининг она тили ва адабиёт фанлари ўқитувчиси Райхона Мадаминаова. — Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг фикрлаш доираси, давлат тилига бўлган меҳр ва муҳаббат туйғуларини ўз ижодий ишларида баён этишлари жуда қувонарлидир. Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидида фаолият юритаётган ўқитувчилар билан халқ таълимида ёшларга сабоқ бераётган ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамкорликда тажриба алмашишлари, ўйлашмани, фанларнинг ўқитилишида, шунингдек, таълим сифатини юқори босқичга кўтаришда ўзининг ижодий натижасини бериши.

Тадбир доирасида “Энг ижодкор ўқувчи” кўрик-танлови ҳам ўтказилди. Унда ўқувчилар ўзбек тилига бағишланган ўз ижодларидан мақола, шеърлар айтиб, ҳақамлар ҳайъатининг саволларига жавоб бердилар. Ҳақамларнинг хулосаларига қўра 11-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зухра Исоқова олий ўринни қўлга киритди. 249-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Анвар Ҳалимовга эса биринчи ўрин насиб этди.

Тадбирда тумандаги умумтаълим мактабларининг она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили фанлари ўқитувчилари томонидан яратилган, дарс сифатини оширишда қўлланиладиган кўргазмали кўроллар танлови ҳам ўтказилди. “Энг яхши кўргазмали кўрол” танловида 233, 249, 326, 28, 16, 261-мактаб ўқитувчиларининг ижодий ишлари ҳақамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Зафар НАЗАРОВ

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Яшнобод тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси Лола Азаматовага онаси

Ефросинья Ивановна АЗАМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

